

87,8
4-86

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ
ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ



СПОРТ ЭСТЕТИКАСИ

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока


Количество предыдущих
выдач

--	--

25
4

87.8
88.86

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ДАВЛАТ КЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ



Баходир Хусанов, Ахмад Жўраев

СПОРТ ЭСТЕТИКАСИ

У службий кўпланма

Сканер

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИY ВА ОРИТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Тошкент-2017

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИY ВА ОРИТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

0900

МУҚАДДИМА

Спорт давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ахлоқий-эстетик тараққиётида муҳим ўрин тутди.

Спорт бугунги кунда давлатга дунёга танилган, давлатга жамоатчилик эътиборини ҳамжамиятида мавқеини мустаҳкамлайдиган, давлатга жамоатчилик эътиборини жалб қиладиган ижтимоий-сиёсий вазифани бажариши билан бирга, халқнинг турмушини юксалтирадиган, миллатнинг шанини ҳимоя қиладиган, инсонни гўзаллаштирадиган ижтимоий-эстетик вазифани ҳам бажармоқда.

Тарқанд, спортда мусобақа муҳим ва муайян машқлар мажбурий тарзда бажарилса-да, у ўнда бевосита ва билвосита эстетик муносабатга асосланган жараёни намён қилади. Бу жараённинг мазмунини эстетиканинг муҳим мезониф тушуначаси (категорисси) ҳисобланган қизиқарлилик ташкил этади.

Спорт замонавий инсонни эстетик жихатдан камол топтиришда алоҳида аҳамият касб этади. Шу бонис бугунги кунда мамлакатимизда спорт давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Гўзаллик, улғуворлик, чидамлилик, хайрат, шижоат ушбу сиёсатнинг пировард мақсадини ташкил этади.

Спортнинг барча турлари ўзининг бетакрор эстетик сифатларига эга. Бугунги кунда жамият тараққиёти суръатининг юқорилиги спорт мураббийларидан нафақат машғулот жараёнларини самарали ташкил этиш, балки унда ёш спортчилар эстетик қарашларини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини такозо этмоқда. Фаолиятининг бу жиҳатлари айниқса, ёш спортчилар билан ишлайдиган мураббийлар учун муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, ҳозирги глобаллашув даврида ёш спортчиларда эстетик дунёқарашни кенгайтириш, спортнинг эстетик хусусиятларини кенгқаровли тушунтириш, энг муҳими, спортнинг эстетик мазмунига анъанавий муносабатни ўзгартириш муҳим ҳаётий эҳтиёжга айланиб бормоқда.

“Спорт эстетикаси” номи билан тайёрланган ушбу услубий кўланмани мамлакатимизда спортнинг эстетик мазмунини ёритишга бағишланган дастлабки ўқув адабиёти дейиш мумкин. Зеро, Ўзбекистон дунё спорт аренасининг юқори поғоналаридан жой олди, жаҳон ва олимпиада мусобақалари рейтингида юқсак эътирофга сазовор бўлди, нуфузли мусобақаларнинг мутлақ фолбиллигини кўлга киритди. Бу нәтижаларнинг муайян қисминини спортга эстетик муносабат, эстетик англаш, эстетик туйғу, эстетик қизиқиш каби мезонлар ташкил этиши мазкур кўланмани ёзиш учун асос бўлиб хизмат қилди, дейиш мумкин.

Шу бонис услубий кўланмадаги илмий, назарий, амалий масалалар тўлақонли ёритилмай қолган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бунинг учун аввалдан мутахассис, изланувчи ва китобхонлардан уэр сўраган холда амалий тақлиф-тавсияларни кутамиз.

Тузувчилар:

Хусанов Б.Э. Фалсафа фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Жўраев А.М. ўқитувчи
Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти

Тарғивчилар:

фалсафа фанлари номзоди Н.Н.Назаров
Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти

фалсафа фанлари номзоди Д.Бозоров
Ўзбекистон Миллий университети

Услубий кўланма Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти Илмий
Услубий Кенгашининг 2017 йили _____ июндаги _____ сонли баённомаси билан
нашрга тавсия этилган.

1-МАВЗУ. СПОРТ - ЭСТЕТИК ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Спорт эстетик тарбия воситасигатлари орасида энг тавсирчани ва аудиторияси кенглиги билан ажралиб туради. Чунки, инсон ўзининг эстетик тарбиясини тақомиллаштирмай туриб, ҳаётини тўлақонли йўлга қўйиши мумкин эмас.

Эстетик тарбия моҳиятдан инсоний идеал билан боғлиқ бўлганиги сабабли ўзининг тўлақонли мазмунини спортда намойён қилади. Чунки, спортчи самарали натижага нафақат куч ва ҳаракат орқали балки майдон, масофа, рақибни эстетик жиҳатдан идрок этиш ва ҳис қилиши билан эришади. Шундай экан, спортчи аввало, нафис дилга, покиза туйғуларга эга бўлиши зарурий ҳолдир.

Мавлўмики, шахс ижтимоий тараққиётнинг турли хил жабҳаларида бевосита ва билвосита иштирок этади ва фаолият олиб боради, шахс бу билан ижтимоий тараққиётнинг эстетик субъектига айланади. Шунга қўра, айниқимиз мумкинки, жамиятда яшаётган бирор-бир шахс эстетик жараёнлардан четда турмайди, аксинча, ўзининг муайян хатти-ҳаракати билан мазкур жараёнларга у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Эстетик тарбиянинг максали ана шундай таъсирларни тўзаллик, улғуворлик, фоживийлик, қўлғилилик асосида йўналтиришдан иборат.

Тарбиянинг бошқа шакллари билан фарқи ўлароқ, эстетик тарбия инсоннинг доимий ҳамроҳи: туғилишидан токи умрининг охирига қадар эҳтиёж сезиб яшайдиган тарбия шаклидир. Ҳатто, ҳаётнинг тўзалликларини ҳис этиш ва ундан баҳраманд бўлиш ҳам инсоннинг эстетик жиҳатдан қандай тарбия кўрандигига боғлиқ.

Мавлўмики, жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида спорт ва жисмоний тарбия доимо биргаликда ҳаракат қилади. Хусусан, жисмоний тарбия асосан инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган, жамиятнинг турли ёшлагги барча табақалари иқтиёрий тарзда “ўзи учун” шўгулландиран, оммавийлик табиғатида эга машқлар ёки машқ мажмуаларидан иборат. Спорт эса, унинг қайси соҳасида бўлмасин, мутахассис устозлар назорати остида махсус тайёрлик кўрган одамларнинг, асосан ёшларнинг яқма-яқма ёки жамоавий тарзда беллашувини ўз ичига олади. Жисмоний тарбия қай кўринишда бўлмасин беллашувини рад этади ва инсонга турли машқ шакллари билан хоҳлаганини танлаш имконини беради. Бундан ташқари, спортда мусобақа биринчи ўринда туради ва унда муайян машқлар мажбурий тарзда бажарилади.

Спорт эстетик тарбия воситаси сифатида қуйидаги хусусиятларга эга

- спорт ўйинлари томошабонга эстетик завқ батишлайди;
- спорт инсонда тана билан руҳнинг ўзаро уйғунлигини таъминлайди;
- спортдаги ҳолат, вазият, натижа қалбда катарсис – форингланш ҳодисасини содир этади;

□ спорт инсонга воқеликни бадий-эстетик ўзлаштириш орқали ўз фаолиятини тартибга солиш имконини беради.

□ спорт кишида яратувчанликни креативлик, ижодкорлик, қизиқарлилик каби эстетик мезонлар устуворлигини таъминлайди.

Эстетик тарбия инсонни янгиликлар яратишга ундабгина қолмай, айни пайтда уни нафосат тамойиллари, тўзаллик талаблари асосида ривожлантиришга ҳам

ўргатади. Бирок, эстетик тарбия ўз-ўзидан пайдо бўлиб, ривожланадиган “микроорганизм” эмас ва айни пайтда бирдан тўхтаб қолмайдиган “механизм” ҳам эмас. У секин-аяста инсон томонидан орттирилган ҳаётий таърибалар, кўнжмаалар, билимлар орқали шаклланиб боради. Иккинчидан, эстетик тарбия ижтимоий тараққиётнинг муайян жабҳаларида аниқ максалларга йўналтирилган фаолият сифатида иш олиб боради.

Шунга алоҳида таъкидлаш зарурки, тарбиянинг эстетик шакли айрим кишиларнинг ёхуд бирор-бир гуруҳнинг турли хил фаолиятлари натижасида юзага келади. Шу боис эстетик тарбия бадий тарбия билан мунтазам алоқада. Бирок, бу “эстетик тарбия бадий тарбия билан бир хил маъно касб этади”, деган гап эмас. Негаки, бадий тарбия ижод жараёнидаги ранг-барангликлар оламни инсон томонидан эстетик тарзда англаш ва ўзлаштиришнинг бир қисми, ҳолос. Эстетик тарбия жамиятда маънавий муҳитни пайдо қилишга кўмак берувчи ҳамда дидни шакллантириш ва ривожлантириш орқали инсонни жамият муносабатларида яқинлаштирувчи қучдир. Шу маънода, тарбиянинг эстетик шакли спорт воситасида жамият аъзоларида завқ ва қизиқиш туйғусини пайдо қилиш орқали барқамолликни намойён этишга хизмат қилади. Эстетик тарбиянинг асосий вазифаси эса эстетик туйғу ва эстетик дидни инсоннинг барча фаолиятларида устувор бўлишини таъминлашдан иборат.

Эстетик тарбия мазкур жараёнларда ёш авлодни тўзаллик ҳақидаги туйғуларини, табиғатга бўлган муносабатини, бадий адабиётга қизиқишини, жамият маънавий ривожидagi янгича қарашларни тўзаллик ва улғуворлик асосида тарбиялаш ҳамда спортнинг эстетик мазмуни, моҳияти, максали ва ундан завқланиш йўллари билан тўлақонли ўзлаштиришдек долзарб вазифани амалга ошириши билан муҳим аҳамият касб этади.

Тавгич тушуначалар: спорт, эстетика, спорт эстетикаси, катарсис, тарбия, эстетик тарбия, завқланиш, қизиқарлилик, восита, эстетик мазмун.

Тақоррлаш учун саволлар:

1. Спортнинг эстетик хусусиятларини изоҳлаб беринг?
 2. Эстетик тарбиянинг асосий максали нима?
 3. Эстетик тарбия ўз олдига қайси вазифаларни қўяди?
 4. Спорт нима учун эстетик тарбиянинг тавсирчан воситаси ҳисобланади.
- Тавсия этилган адабиётлар:**
1. Абдулла Шер, Хусанов Баходир. Эстетика /Услубий кўпланма. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.
 2. Лоу Бенжамин. Красота спорта. –М.: Радуга, 1984.
 3. Ниманов В. Спорт ўйинлари /Ўқув кўпланма. –Тошкент: Илим-знё, 2007.
 4. Эстетическое воспитание студентов. –М.: Высшая школа, 2008.

